

**ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА МУРОЖААТЛАР БИЛАН
ФАОЛИЯТГА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ:
АФЗАЛЛИКЛАР ВА МУАММОЛАР**

(Россия прокуратураси мисолида)

Зокиров Шерзод

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ҳозирги даврда сунъий интеллект (SI) технологиялари жадал ривожланмоқда ва жамиятнинг барча жабҳаларида қўлланилмоқда. Айниқса, давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида рақамлаштириш жараёнлари тезлашиб, турли ахборот тизимлари фаолиятга жорий этилмоқда.

Сунъий интеллект оддий ахборот тизимларидан фарқли ўлароқ, инсон тафаккурига хос когнитив жараёнларни ўхшайдиган механизмларга эга бўлиб, катта ҳажмдаги маълумотларни тезкор таҳлил қилиш қобилияти билан ажралиб туради. Прокуратура органлари фаолияти ҳам бу тенденциядан мустасно эмас. Прокурор назорати ва мурожаатлар билан ишлашда SI технологияларини қўллаш имкониятлари ҳақида илмий ва амалий доираларда фаол муҳокамалар олиб борилмоқда¹.

Прокуратура органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Уларнинг фаолиятида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, умумий иш юкламасининг сезиларли қисмини ташкил этади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан 2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва

¹ Карпышева Ю.О. О влиянии возможностей искусственного интеллекта на проактивность прокурорской деятельности / Ю.О. Карпышева. — DOI 10.17150/2411-6262.2025.16(1).10- 17. — EDN VOPSNС // Baikal Research Journal. — 2025. — Т. 16, № 1. — С. 10–17.

юримдик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни² талабларининг сўзсиз бажарилиши устидан назоратни таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Мурожаатларнинг муддатида, тўлиқ ва ҳолисона кўриб чиқилишини ҳамда қонунбузилишига йўл қўйган айбдор шахсларнинг муқаррар жавобгарлигини таъминлашга қаратилган назорат тадбирларини тизимли равишда амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича: – 4 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди (2023 йилда 3 мингдан ортиқ), 1704 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди (2023 йилда 712 нафар).

Бевосита прокуратура органлари томонидан 273703 та мурожаатлар ҳал этилди (2023 йилда 264448 та). Фуқароларнинг қабулига, шу жумладан, уларни бевосита прокурорлар томонидан жойларда қабул қилинишига жиддий эътибор қаратилиб, 372501 нафар (2023 йилда 360300 нафар) фуқароларнинг қабули таъминланди³.

Мурожаатлар орқали жисмоний шахслар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат органлари фаолиятидаги камчиликларни кўрсатиш имкониятига эга бўладилар. Замонавий ахборот технологиялари, шу жумладан сунъий интеллект, бу мурожаатларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш жараёнларини янада самарали ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратади.

Сунъий интеллектни прокуратура фаолиятига жорий этиш орқали мурожаатларни кўриб чиқишда тезкорликни ошириш, маълумотларни автоматлаштирилган тарзда таҳлил қилиш, типик ҳолатлар бўйича қарорлар қабул қилишда ёрдамлашиш каби қатор устунликларга эришиш мумкин.

Шу билан бирга, бу янгича ёндашув ҳуқуқий-ахлоқий масалаларни ҳам

² Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 21.09.2024 й., 03/24/963/0735-сон

³ <https://prokuratura.uz/#/murojaatlar>

<https://scientific-jl.com/>

кўндаланг кўяди. Ахборот хавфсизлиги, алгоритмлар холислиги, инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш ва бошқалар бунга мисол бўла олади.

Прокуратура органларида СИни жорий этиш, энг аввало, мурожаатларни кўриб чиқиш тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Сунъий интеллект катта ҳажмли мурожаатларни автоматик тарзда саралаш, тоифалаш ва таҳлил қилиш орқали инсон омили талаб қилинадиган оғир меҳнат жараёнларини енгиллаштиради.

Масалан, Россия прокуратурасида 2023 йил давомида 6 миллион 300 мингдан зиёд мурожаатлар келиб тушгани қайд этилган бўлиб, бундай улкан маълумот массивини дастлабки тарзда кўздан кечириш ва умумлаштиришда СИ тизимлари катта ёрдам беришини кўриш мумкин.

Хусусан, СИ ёрдамида мурожаатларни муайян белгилари бўйича автоматик классификация қилиш, турли ҳудуд ва мавзулар кесимида қайси муаммолар жиҳатдан фуқаролар кўпроқ шикоят ёки ариза беришадиганини таҳлил қилиш имкони пайдо бўлади. Бу эса, жамоатчиликни қийнаётган долзарб муаммоларни “реал вақт” режимида комплекс кўриш ва шунга мувофиқ чора-тадбирларни тезкорлик билан шакллантиришга замин яратади.

Сунъий интеллект жорий этилган ахборот тизимлари мурожаатларни нафақат таҳлил қилиш, балки улар бўйича турли намунали ҳужжатлар лойиҳасини автоматик тайёрлашга ҳам хизмат қилиши мумкин.

Россия прокуратурасида амалга оширилаётган “Надзор-WEB” ахборот комплекси мисолида, СИ ёрдамида бир хил турдаги қарор ва хатларни, масалан, прокурор таъсир чораси сифатида чиқариладиган қарорлар, даъво аризалари, мурожаат этувчига жавоб хатлари ёки мурожаатни ваколатли идорага юбориш тўғрисидаги хатлар автомат тарзда тайёрлаш функциялари ишлаб чиқилмоқда.

Бу каби автоматлаштириш натижасида, одатда, кўп вақт ва ресурс талаб қилувчи ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари тезлашади ҳамда

ходимлар ўз эътиборини таҳлилий ва стратегик вазифаларга қаратиш имкониятига эга бўладилар. Шу тариқа, SI технологиялари жараёнларни соддалаштириб, прокурорларнинг меҳнат харажатларини сезиларли даражада қисқартиради.

Мурожаатлар билан ишлаш жараёнида SIдан фойдаланиш фуқароларнинг давлат органлари фаолиятидан қониқиш даражасини оширишга хизмат қилади. Аввало, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари қисқаради, ҳар бир мурожаат бўйича тезкор электрон ижро назорати ўрнатилади.

Бундан ташқари, мурожаатларни электрон қабул қилиш ва қайта алоқа механизмини такомиллаштириш орқали прокуратура билан аҳоли ўртасида очик-ошкора мулоқот шаклланади.

Россиядаги рақамлаштириш концепциясида⁴ ҳам прокуратуранинг фуқаролар, жамият ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун ягона рақамли платформа яратиш, жараёнларнинг очиклигини таъминлаш ва фуқароларнинг розилигини ошириш асосий мақсадлардан этиб белгиланган эди.

Демак, SI жорий этилган мурожаатларни кўриб чиқиш тизими орқали фуқаро ўз аризасининг қайси босқичда эканини тезкор билиб туриши, натижалардан хабардор бўлиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, жамоатчиликнинг давлат органларига ишончини мустаҳкамлаб, ҳуқуқий маданиятни оширишга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сунъий интеллект инсоният тафаккурига хос баъзи вазифаларни ижро этишга қодир бўлгани ҳолда, уни жорий этишнинг мақсади инсон омилини тубдан четлатиш эмас, балки инсон меҳнатини енгиллаштириш ва қарор қабул қилишда қўлловчи восита сифатида фойдаланишдир.

Прокурорлик фаолиятида SI технологиялари “электрон ёрдамчи”

⁴https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_278651/561b46dda7a288d5f64bb276c8b233982d71bc73/

<https://scientific-jl.com/>

вазифасини ўтаб, мурожаатларни дастлабки таҳлилдан ўтказиб беради, ҳуқуқий база ва амалиётдан тегишли маълумотларни тезликда топиб беришни таклиф қилади ҳамда шу орқали прокурор қарорининг асосланганлик даражасини оширишга ёрдамлашади.

Масалан, илғор хориж тажрибасида (Хитой мисолида) айрим ҳолатларда “робот-прокурор” тизими синовдан ўтказилган бўлиб, у муайян вазият бўйича базадаги минглаб ўхшаш ишларни таҳлил қилиб, айблов хулосаси бўйича тавсия бера олиши маълум қилинган. Бундай тизимлар инсоннинг тўлиқ ўрнини босиши мумкин эмас ва бу масалада эҳтиёткорлик зарур, бироқ, уларнинг мавжудлиги сунъий интеллект имкониятларининг нақадар кенг эканини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, прокуратура органлари мурожаатлар билан ишлаш жараёнига **SI**ни жорий этиш орқали қуйидаги **афзалликларга** эришилади:

1) мурожаатларни саралаш ва кўриб чиқиш тезкорлашади, ортиқча бюрократик кечикишлар камаяди;

2) мурожаатларда кўтарилган муаммолар ва қонунбузарликларни автоматик таҳлил қилиш орқали ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш самарадорлиги ошиб боради;

3) типик ҳолатлар бўйича қарорлар, жавоб хатлари каби ҳужжатларни тайёрлаш автоматлаштирилиб, прокурор ходимларнинг оғир меҳнат юки енгиллашади;

4) аҳоли билан электрон ҳамкорлик яхшиланади, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ҳал этилиши устидан очиқ назорат ўрнатилади, бу эса, жамоатчиликнинг давлат идораларига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Сунъий интеллект технологияларини прокуратура органлари фаолиятига татбиқ этиш билан боғлиқ бир қатор муаммо ва хавф-хатарлар мавжудлигини алоҳида таъкидлаш ўринли. Ушбу хатарларни бартараф этмасдан туриб тизимни самарали йўлга қўйиб бўлмайди.

Аввало, **ахборот хавфсизлиги масаласи** биринчи даражали аҳамият касб этади. Прокуратура органлари жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги кўплаб шахсий маълумотлар, мурожаатлардаги махфий маълумотлар билан иш олиб боради. Ушбу маълумотлар рақамли шаклга ўтказилиб, ахборот тизимларига юкланганда, уларни ҳимоя қилиш учун мустаҳкам киберхавфсизлик чоралари талаб этилади.

Айни пайтда кўплаб ташкилотлар шахсий маълумотларни ҳимоя қилишда етарли даражада ишончли механизмларга эга эмаслиги, баъзи ҳолларда мижозларга доир маълумотлар очик базаларда сақланаётгани кузатилмоқда. Агар прокурорларга келиб тушаётган мурожаатлар ва улар орқали жамланадиган маълумотлар айнан SI ёрдамида қайта ишланса, маълумотлар сир сақланиши ва ташқи тажовузлардан ҳимояси тўлиқ кафолатланган бўлиши шарт.

Россия тажрибаси мисолида рақамлаштириш дастурида ҳам прокуратура органларининг рақамли инфратузилмасини барпо этишда унинг барқарор ва узлуксиз фаолият кўрсатиши ҳамда ахборот хавфсизлиги юқори даражада таъминланиши концепциянинг асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланган эди.

Шу боис, Ўзбекистонда ҳам SI технологияларини жорий этиш жараёнида, биринчи навбатда, ялпи ахборот тизимларини, базаларни ва маълумот алмашинув каналларини ҳимоялаш, киберхавфсизликни таъминлаш юзасидан норматив талаблар ва техник чораларни ишлаб чиқиш зарур.

Иккинчи катта муаммо – **ҳукукий тартибга солишдаги бўшлиқлардир**. Ҳозирча кўплаб давлатлар қонунчилик базасида сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича аниқ нормаларни тўлиқ шакллантирмаган. Россия тажрибасида, масалан, 2022 йил ҳолатига кўра “сунъий интеллект” технологияларидан фойдаланишни тартибга солувчи алоҳида федерал қонун мавжуд эмаслиги оқибатида бу соҳада прокурорлик назоратини амалга ошириш қийинлиги таъкидланган. Яъни, сунъий

интеллект орқали қабул қилинадиган қарорлар учун ким жавобгар экани, улар қай даражада юридик кучга эга бўлиши ёки уларни текшириш механизми қонунларда очик баён этилмаган бўлса, бундай технологияларни амалий қўллаш ҳуқуқий ноаниқликка олиб келади.

Ўзбекистонда ҳам ҳозирча “Сунъий интеллект тўғрисида”ги алоҳида қонун ёки прокуратура фаолиятида SIдан фойдаланиш тартибини белгиловчи махсус норматив ҳужжат мавжуд эмас. Мурожаатларни SI ёрдамида кўриб чиқиш тизимини амалиётга татбиқ этиш учун эса, тегишли ҳуқуқий асос зарур бўлади.

Жумладан, электрон мурожаатларни автоматик таҳлил қилиш, зарурат бўлса, улар асосида автоматик қарор лойиҳаларини тайёрлаш каби ҳаракатларнинг процессуал мақоми ва мақбул доираси **қонунчилик ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилиши** лозим. Акс ҳолда, сунъий интеллект иштирокида тайёрланган ҳужжатлар ва хулосаларнинг ҳуқуқий мақоми ҳамда улар учун масъулият масалалари бўйича саволлар туғилиб, ҳуқуқий баҳсларга сабаб бўлиши мумкин.

Шунингдек, SIни қўллаш натижасида юзага келган хатоликлар ёки ҳуқуқбузарликлар учун масъулиятни ким ўз зиммасига олиши масаласи ҳам қонунчиликда ойдинлаштирилиши зарур.

Халқаро даражада бу муаммоларга ечим топиш учун интилувчанлик кузатилмоқда. Масалан, БРИКС давлатлари Бош прокурорларининг 2025 йилги декларациясида⁵ сунъий интеллект соҳасида миллий қонунчилик ва халқаро механизмларни яратиш ёки такомиллаштириш орқали уни тартибга солишни қўллаб-қувватлашга чақириқ қилинган. Ушбу ёндашувдан келиб чиқсак, мамлакатимизда ҳам SI технологияларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш долзарб масала саналади.

Ахлоқий ва методологик муаммолар ҳам четда қолмайди.

Биринчидан, SI алгоритмларининг чиқарган қарорларида холислик ва

⁵ <https://infobrics.org/en/post/60882>
<https://scientific-jl.com/>

адолат тамойиллари қандай таъминланиши муҳим масала. Сунъий интеллект дастурлари маълумотлар базаси асосида ишлайди, агар бу маълумотларда қандайдир бўшлиқ ёки мойиллик мавжуд бўлса, алгоритм шу нотўғри мойилликни такрорлаб, қарорларга таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли, халқаро ахлоқий стандартлар SIдан фойдаланишда инсон кадр-кимматини ҳурмат қилиш, тазйиқ ёки таснифий дискриминацияга йўл қўймаслик талабларини қўймоқда.

Ҳар қандай автоматлаштирилган тизим тавсиясига якуний қарор сифатида қаралмай, прокурор томонидан албатта қайта кўриб чиқилиши ва ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланиши шарт. Масалан, SI маълум бир мурожаатни “аҳамиятсиз” дея баҳолаб, уни рад этишни тавсия қилган тақдирда ҳам, ушбу қарорнинг адолатлилиги инсон, яъни прокурор томонидан текширилиши ва тасдиқланиши лозим. Акс ҳолда, сунъий интеллект хатоси туфайли айрим мурожаатлар кўриб чиқилмай қолиши, натижада мурожаат этувчиларнинг ҳуқуқлари поймол бўлиши хавфи бор.

Яна бир жиҳат – кадрлар ва инфратузилма тайёргарлигидир. Сунъий интеллектни жорий этиш фақат технология сотиб олиш билан чекланмай, уни бошқарадиган ва ундан фойдаланадиган малакали кадрларни тайёрлашни талаб қилади.

Президент Ш. Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган йиғилишда⁶ ҳам прокуратура органларига рақамли технологиялар ва SIни жорий этишга доир таклифлар муҳокама қилинди. Шу асосда 2025 йил 3 ноябрда Президентнинг махсус фармони қабул қилиниб⁷, **“Рақамли прокуратура – 2030”** стратегияси тасдиқланди ва уни амалга ошириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар белгиланди.

Россия ва бошқа мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, сунъий интеллектни жорий этиш қанчалик мураккаб бўлмасин, уни орқага сурмай,

⁶ <https://president.uz/uz/lists/view/8617>

⁷ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.11.2025 й., 06/25/204/1013-сон // <https://lex.uz/docs/7813706>
<https://scientific-jl.com/>

илмий асосланган ёндашув билан босқичма-босқич татбиқ этиш керак. Зеро, рақамли технологиялар тараққиёти шиддат билан давом этаётган ҳозирги асрда прокуратура органлари ҳам ўз фаолиятини замонавий воситалар орқали такомиллаштириб бориши қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашнинг ажралмас талаби бўлиб қолмоқда.

Шу боис, юқоридаги таҳлил ва хулосаларга суянган ҳолда, миллий қонунчилик ва прокуратура амалиётига СИни татбиқ этиш юзасидан қуйидаги **таклифлар** илгари сурилади:

1. Ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш. Сунъий интеллект технологияларини қўллаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Яқинда ушбу йўналишда миллий қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, сунъий интеллект тушунчаси, соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва ваколатли орган вазифалари белгиланди.

Эндиликда “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда⁸ ҳам прокурорлик фаолиятида ахборот технологияларидан, жумладан **СИдан фойдаланишнинг асосий принциплари ва доираси аниқ белгиланиши мақсадга мувофиқ**. Бунда СИ томонидан шакллантирилган қарор ва хулосаларнинг ҳуқуқий мақоми, автоматик тавсиялар устидан инсон назорати мажбурийлиги, шунингдек, техник носозликлар ёки хатолар учун масъулиятни тартибга солувчи нормалар қонун даражасида очиқ-ойдин баён этилиши лозим. Шу билан бирга, СИдан фойдаланишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, алгоритмларда ноҳолислик ва камситишларга йўл қўймаслик кафолатларини ҳам қонунчилик ҳужжатлари даражасида мустаҳкамлаб қўйиш зарур.

2. Халқаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш. Сунъий интеллектни

⁸ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.08.2025 й., 03/25/1081/0738-сон // <https://lex.uz/docs/106197>
<https://scientific-jl.com/>

прокуратура фаолиятига жорий этиш масалаларида халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатлар прокуратуралари билан ҳамкорликни кучайтириш лозим.

Хусусан, Халқаро прокурорлар ассоциацияси (IAP) доирасида уюшма аъзолари ўртасида рақамли далилларни тўплаш ва таҳлил қилиш, SIдан фойдаланиш этикаси бўйича ишлаб чиқилган дастурлар мавжуд. Шу каби форум ва семинарларда Ўзбекистон прокуратураси вакилларининг фаол иштирок этиши, ўз тажрибаларини тақдим этиши ва хорижий тажрибани ўрганиши жуда фойдалидир.

Бундан ташқари, қўшни мамлакатлар ва асосий ҳамкорлар (*масалан, БРИКСга аъзо давлатлар*) прокуратура идоралари билан **ўзаро меморандумлар асосида SI технологияларини жорий этиш бўйича маълумот алмашишни йўлга қўйиш мумкин**. Масалан, БРИКС давлатлари Бош прокурорларининг декларациясида 2024 йил охирига қадар барча аъзо давлатлар прокурорлик хизматларида қўлланган рақамли ечимлар бўйича маълумот тўплаб, тажриба алмашиш белгиланган. Халқаро ҳамкорлик натижасида бизга мос келувчи энг самарали ва хавфсиз технологиялар танлаб олиниб, вақт ва ресурс тежалади.

3. Ахлоқий кодекс ва жамоатчилик назорати. Сунъий интеллектни ҳуқуқни муҳофаза қилишда қўллашнинг ахлоқий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, прокуратура тизими учун алоҳида **ички ахлоқ кодекси ёки йўриқнома қабул қилиш мумкин**. Унда SIдан фойдаланганда прокурор амал қилиши лозим бўлган тамойиллар (*масалан, автоматик тавсияларга бўйсунмасдан ҳар доим мустақил ҳуқуқий баҳо бериш, технологияни фуқароларга зарар етказмайдиган тарзда ишлатиш, дастурий қарорларда ноҳилисликка йўл қўймаслик ва ҳ.к.*) белгилаб қўйилади.

Шунингдек, жамоатчилиكنинг ишончини ошириш мақсадида мурожаатларни кўриб чиқишнинг янги электрон тизимларини жорий этишда ошкоралик таъминланиши керак.

Масалан, фуқаролар ўз мурожаатларини **махсус портал** орқали киритиши ва унинг ҳаракатланишини кузатиб бориши, **зарур ҳолларда шарҳ ёки қ**

ўшимча маълумот бериши мумкин бўлган механизм яратиш мақсадга мувофиқ. Бунда мурожаатлар билан ишлаш автоматлаштирилгани билан бирга, ҳар бир қарор учун масъул шахс (прокурор)нинг номи очик кўрсатилиши, фуқаро ўз мурожаати қайси босқичда эканини доимо билиб туриши лозим.

Жамоатчилик назоратини таъминлашнинг яна бир усули – янги тизим жорий этилгандан кейинги дастлабки натижалар бўйича аҳолига оммавий ахборот воситалари орқали **ҳисобот беришдир**. Масалан, мурожаатларни кўриб чиқиш тезкорлиги қандай ўзгаргани, эски усулларга нисбатан қанча вақт тежалгани каби кўрсаткичлар ошқора эълон қилиниб борилса, бу ислохот самарадорлигига баҳо беришга ҳам, уни янада такомиллаштиришга ҳам хизмат қилади.

Якунда шуни таъкидлаш лозимки, прокуратура органларида мурожаатлар билан ишлашга сунъий интеллектни жорий этиш масаласи бугун муҳокамадан амалиётга босқичма-босқич ўтиш пайтидадир.

Юқорида берилган таклифлар илмий-таҳлилий асосланган бўлиб, уларни амалга ошириш прокуратура фаолиятини замонавий талаблар даражасига кўтариш, аҳоли мурожаатларини кўриб чиқишда адолат ва тезкорликни таъминлаш каби эзгу мақсадларга олиб келиши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Карпышева Ю.О. О влиянии возможностей искусственного интеллекта на проактивность прокурорской деятельности / Ю.О. Карпышева. — DOI 10.17150/2411-6262.2025.16(1).10- 17. — EDN VOPSNC // Baikal Research Journal. — 2025. — Т. 16, № 1. — С. 10–17.
2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 21.09.2024 й., 03/24/963/0735-сон
3. <https://prokuratura.uz/#/murojaatlar>
4. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_278651/561b46dda7a288d5f64bb276c8b233982d71bc73/
5. <https://infobrics.org/en/post/60882>

6. <https://president.uz/uz/lists/view/8617>
7. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.11.2025 й.,
06/25/204/1013-сон // <https://lex.uz/docs/7813706>
8. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.08.2025 й.,
03/25/1081/0738-сон // <https://lex.uz/docs/106197>